

---

## Халқ депутатлари Олтиариқ туман Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди

Сессия кун тартибида бир нечта муҳим масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” ҳамда “Обод маҳалла” Давлат Дастурлари асосида амалга оширилаётган ишлар, туманда хизматлар соҳасини ривожлантириш борасидаги ишларнинг натижалари, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ҳамда “Ёшлар дафтари” рўйхатларига критилган фуқаролар билан олиб борилаётган амалий чора-тадбирлар кўриб чиқилди. Шунингдек, сессияда туманда аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби муҳим масалалар танқидий муҳокама қилиниб, соҳа мутасаддиларига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан муҳим топшириқлар берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон Фармонидан белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Олтиариқ туманидаги умумий ўрта таълим муассасаларида бўш (вакант) бўлган директор лавозимига кўрсатилган номзодларнинг умумтаълим мактаби кўрсаткичларини келгуси 3 (уч) йилда юқори даражага олиб чиқиш бўйича дастурлари мазкур сессияда очиқлик ва ошкоралик билан адолат мезонларидан келиб чиқиб кўриб чиқилди. Сессия якунида кун тартибига киритилган барча масалалар юзасидан тегишли Қарорлар қабул қилинди.

2022-08-27 16:52:20